







Мерос ва замон

“Ё Худойим, шундай гўзалликни ярата олган инсоннинг қалби қанчалар гўзал бўлар экан?...” — деб хитоб қилганида болтиқбўйлик ёзувчи аёл нақадар ҳақ эди! Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган “Наврўз — 2008” анъанавий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати фестивалида таниқли ганчкор, Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин нишони соҳиби Асрол Мухторовнинг дурдона асарларини томоша қилган санъат шинавандалари ҳам хорижлик меҳмон каби ўз ҳайратларини яшира олмадилар.

Юракка сиғмаган ҳайратлар

Маълумки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати ва ҳунармандчилик турлари бой ва ранг-баранг бўлиб, у маданий меросимизнинг энг аjoyиб қисмини ташкил этади. Амалий санъат турлари бетакрорлиги билан дунёга машҳур бўлишди. Асрол Мухторов каби кўли гул, ҳунари ва қалби гўзал усталарнинг хизмати беқиёсдир.



гирдларнинг пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Қорасарой кўчасида жойлашган хожи Халифа Муъин бин мулло Аваз Мухаммад Эшон бобо ёдгорлик мақбарасини таъмирлашдаги маҳоратлари ҳақида гапиргани ўринли деб ҳисоблайман.

— Президентимизнинг Ҳазрати Имом мажмуасида кенг кўламли қайта тиклаш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга шахсан ўзлари раҳнамолик қилганликлари, қурувчи усталар шаънига билдирган самимий сўзлари бизларни ҳам ғоят тўлқинлантириб юборди, — дейди Асрол Мухторов. — Юқорида таъкидлаб ўтилган ёдгорлик ишлари ўз вақтида ниҳоясига етказилди. У юртимиздаги ноёб тарихий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари изчил давом эттириляётганига яна бир далилдир.

Уста яратган дурдона асарлари билан нафақат юртимизда, балки хорижий элларда ҳам доғру қозонган. Доимо янгилик сари интилиб, изланишдан чарчамайдиган Асрол Мухторов шу кезларда ўзига қайфият, ўзига кўтаришқилик билан меҳнат қилмоқда. Унинг устахонасида бир-биридан гўзал ганч ва керамикдан ишланган паннолар, қандиллар бунёд этиладиган иншоотларга узукка тушган кўздек ярашиши аниқ гап. Уста биноларнинг меҳроблари, устунлари, иншоотларнинг умумий қурилишига мос тушадиган керамик кошнлар, паннолар, нақшинларни нафақат ганчдан, балки керамикдан ҳам яратиш устидаги захматли изланишларини ниҳоясига етказди. Бинобарин бундай керамик кошнлар ва безаклар бунёд этиладиган биноларнинг ўз миллийлигини сақлаган ҳолда замонавий қурилиш бағишлайди. Ёки ганчдан тайёрланган кўп қиррали қандилларни айтмайсизми? Ўзига хос чирой ва салобатга эга бўлган бундай қандиллар ёпик ўйингоҳларга ўрнатилди. Керамикдан тайёрланган қандиллар, кошнлар, устунлар, паннолар ўзининг мовий ранглари билан кўзларни қувонтирадиган даражада янги товланади ҳайратингизни оширади.

Ҳайрат ҳақида гапирар эканмиз, устанинг ҳали биз юқориде таъкидлаб ўтган Хожи Халифа Муъин бин мулло Аваз Мухаммад Эшон бобо ёдгорлик мақбарасида ўрнатган яна бир дурдонаси хусусида ҳам тўхталиб ўтсак, айти мурдда бўлади. Бу ерга — ёдгорлик-зиёратгоҳнинг айвонидеги деворга Хаста Имом ганч палаги ўрнатилди. Айвон пештоқиға ва хоналарға Қуръонни карим оятлари битилди. Шунинг биргина ўзи хаттоғли санъатининг қанча-қанча ўзига хос сирлари борлиғидан, унинг ўзи бир олам эканлиғидан дарак беради. Бу ердаги барча ганчкорлик дурдоналари уста Асрол Мухторовнинг устахонасида, унинг ўз услуби, Тошкент мактаби асосида яратилган. Зиёратгоҳға ўрнатилган Хаста Имом ганч палаги комиллик рамзини, бошқа ганчкорлик дурдоналари осмонимиз мусавволиғини, дунёнинг кенглиғи ва чексизлигини билдиради. Ана энди, гўзаллик яратган Асрол Мухторов каби қалби ва ҳунари беназир инсонларға ҳайратнинг, саховатли инсонлардан қоладиган эзгу ишлар ва хайрли амалларнинг боиси ҳамда сирларини билгандирсиз.

Ардокли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг “Инсон ҳаёти бир манзилдан иккинчи манзилға қараб юриладиган йўлга ўхшайди”, — деган аjoyиб сўзи бор. Дарҳақиқат, биз бугун ҳикоя қилган инсон, бугун унинг бунёдкорлик ишларига бағишлаган, юртини, унинг гўзал пойтахтини жонидан ҳам ортиқ севувчи Асрол Мухторовнинг сермазун умр йўли мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Мехнатта берилган ҳар қандай баҳо инсонни янги ишларни баҳаришға илҳомлантиради, — дейди Асрол Мухторов. — Биласизми, бутун умрини ганчкорлик санъатига бахшида этган уста сифатида дунёга келатган уста ҳақида Ўзбекистон халқ рассомлари Баҳодир Жалолов, Ортик Файзуллаев, Ўзбекистон халқ устаси Мирвоҳид Усмонов, Масъуд Мадамовлар, Маҳмуд Мамажонов, Мирмаҳмуд Раҳматовлар билдирган дил сўзлари камтарин ва шарафли меҳнатларига берилган самимий ва юксак баҳодир.

— Шундан кўра ҳар қандай баҳо инсонни янги ишларни баҳаришға илҳомлантиради, — дейди Асрол Мухторов. — Биласизми, бутун умрини ганчкорлик санъатига бахшида этган уста сифатида дунёга келатган уста ҳақида Ўзбекистон халқ рассомлари Баҳодир Жалолов, Ортик Файзуллаев, Ўзбекистон халқ устаси Мирвоҳид Усмонов, Масъуд Мадамовлар, Маҳмуд Мамажонов, Мирмаҳмуд Раҳматовлар билдирган дил сўзлари камтарин ва шарафли меҳнатларига берилган самимий ва юксак баҳодир.

Шу ўринда уста Асрол Мухторов ва унинг шо-

Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Чўлпонга отасининг хати

Ўзбек халқининг етук шоир ва носир Абулҳамид Сулаймон — Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул Мулла Мухаммад Юнус ўғлини (1874-1929) кўпчилик андижонлик баззоз — бой сифатида танийди. Шоир ижодига дастлаб ёндошганлар унинг

таржимаи ҳолиға баҳо беришда отасининг бой бўлганиға кўпроқ ургу беришган. Ҳолбуки, Сулаймонқул Юнус ўғли йирик бой бўлишдан ташқари катта маърифатпарвар, ҳақ сўзни дадил гапирувчи инсон ва шоир ҳам бўлган.

Ўғли Абулҳамидға ўзбек мумтоз адабиётини, шеър қоидаларини синдирган ҳам унинг ўзи. Аммо давр Сулаймонқул Юнусовни ҳам овора қилган. Шўро ҳукумати аввалиға унинг мол-мулкни мусодара қилган. Сўнг 1921 йилда арзимас баҳона билан бир неча ой қамаб ҳам қўйган. Аммо гуноҳсизлиғи туфайли озод этилган. Шу боис узоқ муддат Тошкентда ўғли Абулҳамиднинг уйда яшаб, вафотига яқин Андижонға қайтиб, ўз уйда истиқо- мат қилган.

У тўғриси, ҳақиқатпарвар бўлгани сабабли умумхалқ манфаатиға қарши иш қўрувчи кишиларни — у бойми, қозими, қосибми қатъий назар ҳажв қилган. 1917-1918 йилда Андижонда ташкил этилган жамоат ташкилотларида фаол иштирок этган. Мажлисларда эл манфаатиға қарши турувчи кишиларни танқид қилишдан қўрқмаган.

Шоир Сулаймонқул Юнусов аруз вазнида талайгина лирик ва ҳажвий асарлар ёзиб, тўплам ҳолида мерос қолдирган. Хозир бу тўпламининг асл нусхаси ворисларида, бир нусхаси Андижон вилоят адабиёт музейида сақланади. Афсуски, андижонлик адабиётшунослар Сулаймонқул Расвонинг ижодиға аҳамият бермаптилар. Мустақиллиғимизға 17 йил бўлибдики, бу иш билан шуғулланадиган киши йўқ.

Инқилобий талотум даври бўлгани учун шоир ота ўғли Чўлпонни узоқ муддат кўра олмагани боис кўйидаги шеърий мактубни ёзишға мажбур бўлган экан. Биз бу мактубни 1985 йилда Андижонға борганимизда шоирнинг сингиллари Фоиқа опадан ёзиб олгандик.

НУРУЛАЙНГА МАКТУБ

Адам саҳросини сайёҳи мен, Мажнунға ҳамло мен. Нигор Лайлини кўйидаги итларға ошномен. Бисотимда муҳориблиғидин бўлак асбоби хозам йўқ. Келинг чўз ахли саҳройи дилимла сиза маъво мен. Дилим ҳубоби қилгон гунча бағрин тах-батах қонлар. Баҳор айёмида кўнгли паршон гулрайёно мен. Ўлумидан илгари ўлган, русуми ҳақдин безган, Хама хешу таборидин жудо бўлгон муқарро мен. Лабимда қатра ком, ўлмағоч эл кўзидин пинҳон, Биҳамдиллаҳ ётиб бир гўшаи

хилватда танҳо мен. Ҳасад ахли кўруб аҳолима таъна тошин отса, Паноҳи ҳақ сори, бошим олиб маҳфузи Оллоҳ мен. Муроса-ю мадоро йўлиға, юрмай халойиқ чун Ўзумдин ўзгаго боқмай, дилим мавжида дарё мен. Юрармен дарбадар итдек, кезиб нафсимни амрида, Қилмай бандаликни жойида ҳар кори бежомен. Дилим аҳолидин бир шамаъ ёздим сенға нурулайн, Ҳақиқат эл кўзига илмағундек волаи Расво мен.

Сўз муаллифи ва матни тайёрловчи: Сирожиддин АҲМАД.

Илҳом лаҳзалари



Сардорбек ХАМРАЕВ, пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 206-умумтаълим мактаби ўқувчиси. У шеърятта ихлоси баланд ёшлардан. Ёзганларини ўқиб, атрофдаги воқеа-ҳодисаларға қузатувчан, синчков, шоирона нигоҳ билан қарашини сезиш қийин эмас.

КИШЛОҚ МАНЗАРАСИ

Кишлоқнинг кўксиде пуर्वикор тоғлар ўзгача гўзаллик бахш этиши, рости. Лойсувоқ уйлару узумзор боғлар — Дилда гўжгон ўйнар завқу шавқ шашти.

Шарқироқ сойларнинг қувноқ овози Юракка тўлдиран бетақор сурур. Самода чарх урган қўшлар парвози — Жўшун бу ҳаётта айтар ташақкур.

ЯШИЛЛИК — ТИЛАК

Осмон кўзларига ёш олган каби, Баҳорий нафасни сезмиш юрагим. Димокқа урилган ифроматлаби — Яшиллик — дунёда эзгу тилагим.

Кўкларнинг пойига анвоий гуллар Гиламдек тўшалур — баҳамд поёндоз. Хаққириб кетади илҳақ кўнгилар, Олам шодлиғига бўлганча ҳамроз.

ЮЗЛАНГАН ЗАМОН

Олисларға тикканча кўзим, Уйға қолиб толганча ўзим, Қийналаман айтмоққа сўзим, Тарих сари юзланган замон.

Оналарға бўлгандир ёмон, Ўз боласин кўрмаса омон, Дил тирнайди минг йиллик армон, Тарих сари юзланган замон.

Шўкр, бугун бўлдиқ мустақил, Барча яшар бунда кўп аҳил, Хурлик энди манғуға дохил, Тарих сари юзланган замон.

Бир чимдим кулгу

Трагикомедия

Икки дугона учрашиб қолди. — Кеча хушторинг билан театрға тушмоқчи эдинглар? Нима бўлди? — Театрға тушдик. — Нима кўрса-тишди? — Трагикомедия. — Ие, қанақасига? Драма дегандинг-ку? — Асли драма бўлиши керак эди. Лекин театрда эримни учратиб қолдим. У ҳам хуштори билан келган экан...

Ким экан у?

Бир киши концерт кўраётган эди. Хонанданинг кўшиғи ёқмади. У ёнидаги одамдан сўради: — Бу аёлнинг овози бунча хуноқ. Ким экан у, билмайсизми, биродар? — Биламан, — деди кўшниси, — у менинг хотиним. — Э, узр, овози... унчалик ёмон эмас. Аммо кўшиқнинг мазаси йўқ. Ким ёзган уни? — Мен ёзганман... С. ҚАРНОҚЛИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Республика аҳолисиға өғасининг номи ёзилмайдиган миллий валютадаги мuddатли банк омонатларини тақлиф этади

- амал қилиш мuddати 3, 6, 9 ва 12 ой, фоиз ставкалари йилиға тегишли тартибда 26%, 27%, 28%, 29%
• фоизлар омонат мuddати тугаганидан сўнг тўланади
• омонатни қабул қилиш мuddати амал қилиш бекор қилинғунига қадар

“Кўклар” омонатига пул маблағларини қабул қилиш 2008 йил 10 майға қадар қузайтирилганлиғини маълум қилади

- фоиз ставкаси йилиға — 30%
• сақлаш мuddати — 3 ой
• фоизлар омонат мuddати тугаганидан сўнг тўланади

Милий банк шунингдек, хорижий

молия муассасаларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига Европадан, Корея, Япониядан ҳамда бошқа мамлакатлардан ускуналар ва материалларни харид қилиш ҳамда етказиб бериш учун кредитлар беради.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ:

МАМЛАКАТ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН — БИЗ БИЛАН БИРГА!

Кўшимча маълумотларни Лойиҳаларни молиялаш марказининг — 235-56-10, Кичик бизнес бош бошқармасининг — 238-56-63, Пул муомаласи бош бошқармасининг — 235-42-85 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин. www.nbu.com

ООО «RASSVET U NOY» Шайхантахурского р-на ликвидуруется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел: 245-26-00. Утерянный гос.ордер № 07-01/8867 от (дата) 28.03.93. права собственности на квартиру на имя Лепетех Валентина Васильевна считать недействительным. ООО «GRAND STANDART ELIT» Мирзо Улугбекского района объявляет об уменьшении уставного фонда предприятия с 30116892,6 сум до 15019000 сум, Все претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул Пушкина 79-207. Тел: 286-13-06.

Собир Раҳимов тумани ҳоқимияти томонидан рўйхатта олинган «JAMBA-TRADE» масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 85 000 000 сўмдан 15 228 000 сўмға камайтирилмоқда. Даъволар 799 00 90 телефони орқали қабул қилинади. Собир Раҳимов тумани ҳоқимининг қарори билан рўйхатта олинган «G'ANI-RAXIM» хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли «G'ANI-RAXIM» масъулияти чекланган жамиятиға ўзгариши муносабати билан даъволар 248-28-21 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳоқимлиғи томонидан хусусий тадбиркор «Зотов Денис Викторович» номиға 18.05.2007 йилда берилган № 0803426 сонли патент йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади. Боровский номили Тошкент тиббиёт коллежи томонидан 1964 йилда Умирзоқова Яхитхон Султановна номиға берилган БС № 963761 сонли диплом йўқолганлиғи сабабли бекор қилинади. Утерянный гос. ордер № 10-02/9443 от дата 16.02.93 г. права собственности на квартиру на имя Казанцевой Зои Васильевны считать недействительным.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси. Миллий тикланиш ИКЛАНИШ

Бош муҳаррир Ҳосил ҚАРИМОВ. ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73. E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буортма: Г — 323. Ҳажми 2 босма табоқ, Адади 2848 Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.